Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 64 (3565)
18 ШАНБА
МАРТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети «СССР Қурилиш министрлигининг раҳбар ва инженер-техник кадрлар билан ишлаши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди ва шу масала юзасидан қарор қабул қилди. Ушбу қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

● Узбекистон меҳнаткашлари Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг 30 йиллигини тантанали нишонламоқдалар.

17 март куни Тошкент областида ва Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги вакилларининг бўлиб ўтган тантанали йиғилиши ана шу шонли санага бағишланди.

Йиғилиш аҳли болгар дўстларга социалистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

● Республика жамоатчилиги уй-жой — коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари кунини нишонламоқда.

Тошкентда 17 март куни ана шу байрамга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

● 1978 йил 17 март куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос—995» учирилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯ КОМИССИЯСИДА

17 март куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР янги Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш комиссиясининг раиси ўртоқ Ш. Р. Рашидов раислигида Ўзбекистон ССР Конституция комиссиясининг мажлиси бўлди. Комиссия Ўзбекистон ССР янги Конституциясининг лойиҳасини кўриб чиқди.

Ш. Р. Рашидов мажлисда сўзлаган нутқида тайёрланган ҳужжат Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессияси томонидан 1977 йил 22 июль куни тузилган Конституция комиссияси қилган катта ва самарали ишнинг натижаси эканлигини уқтирди. Уни тайёрлашга комиссиянинг таниқли олимлар, юристлар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Олий Совети Президиуми аппаратининг ходимларидан иборат иш группаси катта ҳисса қўшди.

Комиссия муҳокамасига тақдим этилаётган лойиҳа СССР Конституциясига тўла мувофиқ равишда ишлаб чиқилган. Унда КПСС XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1977 йил май ва октябрь Пленумларининг қарорларида. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладлари ҳамда нутқларида баён этилган принципиал хулосалар ва қоидалар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон ССРнинг ҳозир амалда бўлган Конституциясидаги кўпгина қоидалар лойиҳада сақлаб қолинган ва ривожлантирилган. У республикада социалистик ва коммунистик қурилиш тажрибасини умумлаштиради ҳамда бойитади. кейинги йилларда иттифоқ ва республика қонунларини янгилаш ва такомиллаштириш соҳасида ўтказилган ишга таянади.

Шу йилларда республика экономикаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Мамлакат яхлит қудратли халқ хўжалик организмининг таркибий қисми бўлмиш республика экономикаси ҳар тарафлама ривожланган саноатдан, юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалигидан иборат. Республиканинг социал қиёфаси ўзгарди. Ишчилар синфи ўсиб камол топди, ҳозир унинг сафларида ўқимишли, техникавий жиҳатдан саводли, сиёсий жиҳатдан етук икки миллиондан ортиқ киши бор. Деҳқонлар ҳам ўзгариб, уларнинг психологияси социализм негизида қарор топди. Социалистик зиёлилар халқ ичидан ўсиб етишди. Республика территориясида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар вакилларининг дўстлиги ва қардошлиги мустаҳкамланиб ривож топмоқда. Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари буюк мамлакатимиздаги барча халқлар билан узилмас бирлик ва жипслик ришталари орқали боғланганлар. Совет Ўзбекистонининг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари эришилган ютуқларга таяниб, КПСС раҳбарлигида СССР халқларининг қардошлик оиласида коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш, социалистик иқтисодий муносабатларни коммунистик муносабатларга аста-секин айлантириш, одамларни коммунистик онглилик руҳида тарбиялаш вазифаларини муваффақиятли ҳал этмоқдалар. Ана шуларнинг ҳаммаси Конституция лойиҳасида ўзининг яққол ифодасини топган.

Ш. Р. Рашидов шуни маълум қилдики, комиссия Ўзбекистон ССР Гимнининг тексти ва музика таҳririни ҳам қайта кўриб чиқди. Булар республика Олий Совети Президиумининг тасдиғига ҳавола этилади.

Комиссия мажлисида Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, Ўзбекистон ССР Юстиция министри М. С. Восикова, «Эскиангарканалстрой» трестининг Қашқадарё механизациялаштирилган кўчма колоннаси экскаваторчи-машинисти В. Д. Новосёлов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, академик О. С. Содиқов, Ўзбекистон халқ шоири Ўйғун сўзга чиқдилар.

Комиссия Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси янги Конституциясининг лойиҳасини асосан маъқуллаб, республика Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилишни таклиф этди.

(ЎзТАГ).

ШАҲАР МЕҲНАТ БАЙРАМИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

• *Коммунистик шанбаликда бир миллиондан зиёд тошкентликлар иштирок этишади*

• *Ишчилар ва қурувчилар рекорд меҳнат унумдорлигига эришишга аҳд қилдилар*

• *22 апрель куни тежалган материал, ҳом ашё, электр энергия ҳисобига ишланади*

«Буюк Почин» анъаналарига садоқат

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ ВА НОВАТОРЛАРИНИНГ 1978 ЙИЛ 22 АПРЕЛДА В. И. ЛЕНИНТУҒИЛГАН КУННИНГ 108 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИККА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXV съезднинг тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун, оз маблағ ва куч сарфлаб, юксак натижаларга эришиш учун умумхалқ социалистик мусобақаси кун сайин қизимоқда. Бу мусобақада Ўзбекистон пойтахтининг меҳнат коллективлари актив иштирок этишяпти. Тошкентликлар партиянинг беш йилликнинг учинчи йилини зарбдор меҳнат йили деб эълон қилиш ҳақидаги чақириғини ўзларининг жонажон ишларидек қабул қилдилар.

Ватаннинг юксак мукофотидан—1977 йилдаги халқ хўжалик планини бажарганлиги, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасидаги муваффақиятлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритганлигидан руҳланган Тошкент меҳнаткашлари социалистик Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун умумхалқ курашига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишга интилмоқдалар.

Тошкентликлар москваликларнинг 1978 йил 22 апрелда В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллиги шарафига оммавий коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги чақириғини қизғин қўллаб-қувватлаб кутиб олдилар.

Тошкентда шанбалик ўтказиш ташаббускорлари— Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводи, «Таштекстильмаш» заводи, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Главташкентстрой»нинг «Отделстрой» ва 11-«Висотстрой» трестлари меҳнат коллективлари бу шонли кунда тежалган ҳом ашё ва материаллар, ёнилғи ва электр қувватидан ҳисобга ишлаб, барча участкаларда юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар. Шу куни ишлаб топилган барча маблағни ўнинчи беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилинди.

Илғор корхоналар ва ташкилотларнинг ватанпарварлик намунасига шаҳардаги барча меҳнат коллективлари йиғилишининг қатнашчилари 22 апрелда умумшаҳар коммунистик шанбалигини ўтказиш ҳақидаги ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлаймиз ва барча ишчилар, инженер-техник ходимлар хизматчиларни, шаҳарнинг барча меҳнаткашларини бу шонли кунда ўз иш жойларида зарбдорона меҳнат қилиб, юксак унумдорликка эришишга ва аъло сифатли маҳсулот тайёрлашга чақирамиз.

Биз муассаса ва ташкилотларнинг коллективларига, ўқувчи ёшларга Тошкентнинг барча аҳолисини шаҳарни, унинг кўчалари ва майдонларини, боғлари ва хиёбонларини ободонлаштиришда, турар жой биноларининг атрофини тозалашда фаол иштирок этишга чақирамиз. Бу ҳар биримизнинг республика пойтахтида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигини ўтказишга қўшган салмоқли улушимиз бўлади.

Биз барча партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларига, хўжалик раҳбарларига, коммунистик шанбалики уюшқоқлик билан ўтказишга даҳлдор бўлган барча кишиларга мурожаат қилиб, ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир ишчи, инженер, техник, хизматчи бажариши лозим бўлган ишни олдиндан белгилаб қўйишга, машина ва механизмлардан самарали фойдаланиш ҳақида қайғуришга, ободонлаштириш ишлари кўламини белгилашга чақирамиз. Бу умумий ишда ҳар бир тошкентлик ўз ўрнини эгаллаши лозим.

Иқтисод ва тежамкорлик учун курашни кучайтириш, ҳом ашё материаллар, ёнилғи, электр қувватидан омилкорлик билан фойдаланишни таъминлаш ҳар бир меҳнат коллективининг бурчидир. Бу бизга «қизил шанбалик» куни тежалган маблағлар ҳисобига ишлаш имконини беради.

Биз шунга қатъий аминмизки, меҳнат байрами куни— 1978 йил 22 апрелда тошкентликлар КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленуми қарорларини шараф билан бажаришга интилишларини намойиш қиладилар. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1978 йил планини тўла ва оширib бажариш учун социалистик мусобақани кенгайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини яхшилаш учун курашни кучайтириш тўғрисида»ги Мактубига муносиб жавоб қиладилар.

Барча тошкентликларнинг қалби ленинчи партиямизга, унинг Марказий Комитетига, Сиёсий бюросига ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневга Ватанимизнинг экономикасини, маданиятини янада ривожлантириш, совет кишилари моддий фаровонлигини ошириш йўлида амалга ошираётган улкан ишлари учун чуқур муҳаббат ва бениҳоя миннатдорчилик туйғуларига тўла. Тошкентликлар жонажон шаҳримизни янада ривожлантириш ва гуллаб-яшнатиш, уни мамлакатнинг энг гўзал ва обод шаҳарларидан бирига айлантириш йўлида тинмай ғамхўрлик қилаётганликлари учун КПСС Марказий Комитети Совет ҳукумати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматига алоҳида миннатдорчиликларини изҳор этадилар.

Йиғилиш қатнашчилари шунга аминдирларки, 1978 йил 22 апрелдаги коммунистик шанбалик социалистик мусобақани ривожлантиришда янги шонли воқеа, жонажон шаҳримизнинг меҳнат солномасида, қаҳрамонона тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Яшасин ишчилар синфининг, барча совет халқининг синалган йўлбошчиси ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигини 22 апрелдаги коммунистик шанбаликда зарбдор меҳнат билан нишонлаймиз.

Коммунизм қурувчиси бўлган қаҳрамон совет халқига шон-шарафлар!

Тошкент шаҳри меҳнат коллективлари вакилларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказишга бағишлаб 1978 йил 16 мартда ўтказилган йиғилишида якдиллик билан қабул қилинди.

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ— «ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК»КА!

Шу йил 16 мартда Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг мажлислар залида Тошкент шаҳридаги корхоналар ва ташкилотлар коллективлари вакиллари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

...Улар бу ерга меҳнат байрамига В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига тайёргарликда ва уни ўтказишда шаҳардаги ҳар бир меҳнаткаш, ҳар бир меҳнат коллективининг вазифаларини муҳокама қилишга йиғилдилар.

Москваликлар ташаббусини шаҳарда биринчилардан бўлиб Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи, Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш» заводлари, «Қизил тонг», Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Главташкентстрой»нинг «Отделстрой», 11-«Висотстрой» трестлари ва бошқа коллективлар кўллаб-қувватладилар. Бу корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнаткашлари коммунистик шанбалик куни тежалган ҳом ашё, материаллар ва электр қуввати билан ишлаб, юксак меҳнат унумдорлигига эришишга аҳд қилдилар.

Москваликлар ташаббусини шаҳар меҳнаткашлари тўла қўллаб-қувватлаётганлиги катта сиёсий ва халқ хўжалиги аҳамиятига эга. У тошкентликларнинг ўнинчи беш йиллик топшириқларини, КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга қатъий аҳд қилганликлари ва юксак онглиликларидан далолат беради.

Йиғилиш қатнашчилари шуни таъкидлашдики, бу йилги коммунистик шанбалик Тошкент меҳнаткашларига 1978 йил планини муддатидан илгари бажаришда, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленуми, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубида олдинга қўйилган вазифаларни амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшиш имконини беради.

Ҳозир корхона ва ташкилотларда, муассасаларда «қизил шанбалик»ка тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича штаблар ташкил этиляпти.

Коммунистик шанбаликнинг ўзига хос томони шундаки, шу куни ҳамма иш тежалган металл, ҳом ашё, электр қуввати ҳисобига амалга оширилади. Бу партиямизнинг модлий ва энергетика ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш, тежамкорлик режимини кучайтириш йўлига муштарак бўлади.

22 апрелда, шунингдек шанбаликкача бўлган кунларда корхона ва ташкилотлар, шаҳар хўжалиги коллективлари, муассасаларнинг ходимлари, районларнинг аҳолиси, юқори синфда ўқийдиган ўқувчилар ва студентлар иштирокида ободонлаштириш ва турар жой фондини, ҳовли ва майдонларни тартибга келтириш бўйича талайгина ишларни амалга оширадилар.

Коммунистик шанбалик ўтказиш бўйича район штаблари Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармаси билан биргаликда ҳозирнинг ўзидаёқ парклар ва хиёбонларни ободонлаштириш, ирригация тармоқларини тозалаш ва янгиларини қуриш, дарахт ва гул кўчатлари ўтказиш бўйича иш жойлари ва ҳажмини белгилаб қўйишлари лозим.

Йиғилишда сўзга чиққанлар меҳнат байрамига тайёргарлик кўраётган ишчи коллективларининг юксак меҳнат ва сиёсий активлигини таъкидладилар.

— Корхонамиз коллективи, — деди ўз нутқида Октябрь революцияси номли тепловоз вагон ремонти заводининг ёрдамчи цўлат эритувчиси Е. Маршалов, — Совет ҳокимиятининг тонг отарида. 1919 йилда коммунистик шанбалик ўтказганлиги билан фахрланади. Заводимиз меҳнаткашлари бу шонли буюк почин анъаналарига содиқдирлар. Шу йил 22 апрелда ремонтчилар юксак унумдорликка эришиб, битта тепловоз секциясини тайёрлаш. 20 тонна цўлат қўйма, 6 тагилдирак, шунингдек ўтган йилдаги «қизил шанбалик»дагидан 16 процент кўп турли хил маҳсулотлар тайёрлашади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи мотористкаси Г. Бегматова шундай деди:

— Корхонамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари «қизил шанбалик»ка бир кишидай чиқиб, ўз иш жойларини эгаллашга ва юксак унумдорликка эришишга қарор қилдилар. Шанбалик куни 200 минг сўмлик тикувчилик буюмлари ишлаб чиқарилади. Бутун маҳсулот тежалган материаллар ва ҳом ашё ҳисобидан тайёрланади. Мен топшириқни камида 140 процент бажаришни таъминлаш мақсадида смена нормасини кунининг биринчи ярмида адо этаман.

— Шанбаликни ўтказиш бўйича завод штаби, — деди «Ташсельмаш» заводи директори Н. Мусин, — завод бошқармаси ва цехларнинг мутахассислари, шунингдек ветеран-пенсионерларнинг 22 апрелда бевосита станоклар ва конвейерлар ёнида меҳнат қилиш бўйича илтимосларини кондиришга қарор қилди. Ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида топшириқ камида 106 процент бажарилади. Барча ишлаб топилган пул—бу эса 20 минг сўмдан ортади — беш йиллик фондига ўтказилади.


Апрелнинг тўртинчи шанбасидаги конкрет планлар ҳақида «Миконд» заводининг силлиқловчиси О. Абдуллаев, 159-қурилиш треста 9-қурилиш бошқармасининг бригадири В. Петров ҳикоя қилишди.

Йиғилишда Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари якдиллик билан республика пойтахти меҳнаткашларига мурожаат қабул қилиб, барча тошкентликларни ленинча шанбаликда фаол иштирок этишга, юксак меҳнат самарадорлигига ва сифатга эришишга чақирдилар.



СУРАТДА: коммунистик шанбаликка бағишланган йиғилиш. В. Энкер фотоси.



«Горизонт»га талаб ошмоқда

РЕПОРТАЖ

«Ташхозкультторг»га қарашли 55-магазинда Минск ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотлари савдо-кўргазмаси ўтмоқда

Бу савдо-кўргазмаси очилишидан анча илгари Киров кўчасида жойлашган ушбу магазин олдида харидорлар тўпланиб қолишди. Уларнинг қизиқишлари тушунарли, албатта. Бугун «Ташхозкультторг»га қарашли энг кўҳна савдо муассасаларидан бирида Минскнинг «Горизонт» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган турли хил радио ва телевизорлар намойиш қилинади.

Мана биринчи харидор. Республика Геология министрлигига қарашли комплекс геология-геофизика қидирув экспедиция партиясининг картонаж геофизигини В. И. Клюев кўргазмада намойиш этилаётган маҳсулотларни биринчи бўлиб харид қилишга муваффақ бўлди. Минскдаги «Горизонт» бирлашмасининг вакили — техника информациялари бўлими инженери Лев Борисович Сорочкин ва 55-магазин директори Наби Солижонович Муҳамедов унга эсдалик совғалари бериб харид билан табрикладилар.

— Мен кўп вақтдан буён ўзининг юксак сифати билан фарқланадиган «Горизонт» телевизорини сотиб олишни хоҳлардим. Мана энди оиламизда қувонч ва шодлик — орзу рўёбга чиқди, — дейди В. И. Клюев.

«Горизонт» бирлашмасида тайёрланган радио ва телевизорлари сотиб олувчилар магазинда тобора кўпаймоқда. Белоруссия пойтахтидан келган тажрибали мутахассислар консультант сифатида сотувчилар билан ёнма-ён кўлни-кўлга бериб ишлашяпти. Инженер-конструктор В. А. Клейменов, сифатни бошқариш бўйича катта инженер С. М. Винник аппаратураларни созлашга ёрдам беришмоқда. Шу ернинг ўзидаёқ магазиндаги харидорларни қизиқтирган турли саволларга жавоб беришмоқда.

«Гордорстроймонт» трестининг 2-ремонт-қурилиш бошқармаси дурадгори Б. Н. Солдатов «Горизонт—107» телевизорининг ишлашини синчиклаб кўздан кечирмоқда. Унинг нуқсонсиз ишлашига, тасвирнинг тиниқ ва аниқлигига ишончи ҳосил қилгач, Борис Николаевич касса томонга дадил ўтиб кетди.

— Партия ва ҳукуматимизнинг биз совет кишиларига кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлигини яқинда кенг истеъмол моллари нархининг арзонлаштирилганлиги яна бир бор исботлайди, — дейди Б. Н. Солдатов. — Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг фақат «Горизонт—107»нинг ўзи 100 сўмга арзонлашди.

Савдо-кўргазма очилганидан кейин бир соат ўтгач, биз ана шу муддат ичида қанча телевизор сотилганлиги билан қизиқдик.

— Айтиш мумкинки, бу борада ўзига хос рекорд қўйилди, — деди 55-магазин директори Н. Муҳамедов. — Бир соат мобайнида ўнта харидор минскликлар ишлаб чиқарган товарларни харид қилишди. Бу фактнинг ўзи савдо-кўргазмаси ташкилдаги савдо формасининг муҳимлигини кўрсатмоқда.

— Бизнинг мақсадимиз аҳолининг корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларига талабини ўрганишдан иборат, — дейди Лев Борисович Сорочкин. — Харидорлар товарларимиз қандай бўлишини хоҳлайдилар. Буни ҳам билишимиз керак. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, биз ҳозир иш сифатини бошқаришнинг янги системаси асосида ишлай бошладик.

Савдо-кўргазмаси ёш кун давом этади. Ҳеч шубҳасиз, у маҳсулот сифатини янада яхшилашда муҳим роль ўйнайди, ҳамда савдо ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

А. ҲАТАМОВ.

СУРАТДА: савдо-кўргазмасида.

В. Ковреги фотоси.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети шуни маълум қиладики, Тошкент шаҳар Советининг XVI чақириқ V сессияси шу йил 23 март куни соат 14.00 да Тошкент область партия комитетининг мажлислар зали (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй)да очилади.

Депутатларни рўйхатга олиш ўша жойнинг ўзида соат 14.00 дан бошланади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети.

МАЖБУРИЯТ ИЗИДАН

Қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини вақти-вақти билан текшириб, назорат қилиб бориш Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи партия комитетининг диққат марказида турибди.

СССР янги Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигини муносиб ютуқлар билан кутиб олишга аҳд қилган завод инженер-техник ходимлари, ишчи-хизматчилари бу йил бошидан ташқари 200 минг сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эдилар.

Яқинда завод партия комитети корхонанинг чўян-қуюв ва якорь цехлари ишчиларининг беш йиллик учинчи йили учун ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажариш йўлида қандай тадбирларни амалга оширганликлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Бу ҳақда корхона бош инженери Б. Штанов батафсил ахборот берди. Шундан сўнг цехларнинг бошлиқлари С. Калугин ва А. Ткаленко СССР янги Конституцияси бир йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларни адо этиш йўлидаги дастлабки ютуқлар ҳақида гапирдилар.

ПРОПАГАНДИСТНИНГ МУҲИМ БУРЧИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йилда социалистик мусобақани янада авж олдириш тўғрисидаги Мактубида мусобақанинг очмавидлигини ва таъсирчанлигини оширишда партия ўқуви ва иқтисодий таълим системасидан, пропагандининг бой воситаларидан кенгроқ фойдаланиш лозимлиги алоҳида уқтириб ўтилган. В. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида сиёсий маориф шохобчалари пропагандистларининг раҳбарлигини ошириш партия ўқуви ва иқтисодий таълим системасидан, пропагандининг бой воситаларидан кенгроқ фойдаланиш лозимлиги алоҳида уқтириб ўтилган. Унда корхона бош контролёри М. Галиев ва ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи А. Айрапетов пропагандистларга бирлашмада бу борада амалга оширилаётган тадбирлар ва келгусидаги режалар ҳақида сўзлаб берди. Улар келтирган факт ва рақамлар назарий мактаб ва семинарларнинг раҳбарларига, пропагандистларга ҳар бир машғулотни корхона коллективи олдида турган конкрет вазифалар билан узвий боғлаб олиб боришга катта ёрдам беради.

ЖАНГОВАР ПРОГРАММА АСОСИДА

Самарадорлик учун актив курашиш—маҳсулот сифатини мутасил яхшилаш, унинг техникавий даражасини, пишиқ-пухталигини ва чидамлилигини ошириш демакдир».— дейилади партия ва ҳукуматимиз Мактубида. «Ташсельмаш» заводи партия комитети ана шу жанговар программа асосида «Секретарлар куни» ўтказди. Унда корхонанинг барча цех партия ташкилотлари секретарлари иштирок этишди. Унда машинасозлар Мактубдан келиб чиқадиган энг актуал вазифалар—қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига, пахтакорларга аъло сифатли терим машиналарини кўплаб тайёрлаш, ички резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш, белгиланган марраларга эришибгина қолмай, план топшириқларини анча ошириб бажаришга эришиш ҳақида атрофлича сўз юритилди.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Ленин, Фрунзе ва Сергели районлари мусобақаси

Кўп, сифатли, арзон

Ленин, Фрунзе ва Сергели районларининг саноат, транспорт ва алоқа корхоналари «Оз маблағ сарфлаб, кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарайлик» шиори остида мусобақалашиб, йилнинг бошидаёқ дурустгина ютуқларни қўлга киритдилар. Икки ойлик топшириққа қўшимча 2.841 минг сўмлик халқ хўжалик буюмлари ишлаб чиқарилди. Бу мажбуриятда белгиланган планга қўшимча маҳсулот ишлаб ниқариш ҳажмидан анча ортиқ. Бунга жумладан, Ленин районида меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, резервлардан актив фойдаланиш туфайли эришилди. Шунинг учун ҳам бу ердаги химия-фармацевтика, электрон техника, трамвай ва троллейбус бошқармасининг вагон-ремонт заводи, Модалар уйи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10—20 процентга оширди. Модалар уйи, канон фабрикаси, «Учқун» тўқимачилик-галантерея бирлашмаси ва бошқа корхоналар мажбуриятда белгиланганидан анча ортиқ планга қўшимча маҳсулот тайёрладилар.

Икки ойлик планни Фрунзе ва Сергели районларининг меҳнат коллективлари ҳам муддатидан илгари адо этишди. Булар абразив буюмлари ва қурилиш материаллари, Сергелидаги Октябрь 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси, «Узсельхозстройдеталь» махсус мебель заводи, биринчи темир-бетон завод каби корхоналардир.

Булар ҳаммаси мамлакат халқ хўжалигига март ойи ҳисобидан талайгина машина ва ускуналар, пўлат қуйма, тикувчилик ва тўқимачилик буюмлари, шунингдек бир қатор бошқа буюмларни ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10—20 процентга ошириш имконини берди.


Буюмларнинг асосий қисми юқори сифатда тайёрланди. Бунга ишчиларнинг касб маҳоратини ошириш йўли билангина эмас, балки маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системасини жорий этиш, фахрли беш қирралы белги билан тайёрланаётган буюмларнинг сифатига алоҳида эътибор бериш орқали эришилди. Ҳозир Ленин районининг ўзида юз хил буюм Сифат белгиси билан тайёрланяпти. Бу йил буюмлардан 40 миллион сўмлиги ишлаб чиқарилади. Фрунзе райони корхоналарида ҳам Сифат белгиси билан тайёрланаётган буюмлар миқдори анча салмоқли.

Шу билан бирга мусобақадош районларнинг бир қатор завод, фабрика, бирлашмаларида қабул қилинган мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши учун ҳамма нарса қилинди деб бўлмайди. Районда қолоқ корхоналар йўқ. Лекин уларнинг айримлари йилнинг дастлабки икки ойи учун белгиланган мараларни эгаллашаолмади. Жумладан, электро-техника буюмлари, қуёш тўсқич мосламалар заводлари, пардозлаш трести, тўқимачилик комбинати, «Трансстрой» ишлаб чиқариш корхонаси, Сергели норуда материаллар карьери планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш бўйича мажбуриятларини уддалаша олмади.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ос маблағ сарфлаб кўплаб модлий-техника буюмлари тайёрлаш учун кураш тобора кучаймоқда. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубида шундай дейилади: «Самарадорлик учун фаол кураш олиб бориш бу —маҳсулот сифатини тинмай яхшилаб боришдан, унинг техник даражасини, мустаҳкамлилигини ва чидамлилигини оширишдан иборатдир... Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш сабабларини бартараф қилиш асосан корхоналарнинг ўзига боғлиқ». Масалан, тўқимачилик комбинатини олайлик. Бу ерда ўтган йили 84.4 минг сўмлик ип-газлама брак қилинди ва корхонага қайтарилди. 40 минг метрга яқинининг сорти пасайтирилди. Бу корхона 1977 йилни хўжалик-иқтисодий фаолият якуни бўйича маҳсулот таннархининг 249 минг сўмликка қимматлаштириб юбориш билан якунлади. Тўқимачилик комбинатида бу техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш бўйича янги йилда нима ишлар қилинаётган. Ахир бу корхонада 1978 йилнинг январь ойида маҳсулот таннархининг пландагидан 129 минг сўмликка қимматлашиб кетишига йўл қўйилди. Тепловоз-вагон ремонт заводи, электротехника заводи, «Узвторцветмет» бирлашмаси ва бошқа корхоналар эса маҳсулот таннархининг ўн минглаб сўм қимматлашиб кетишига йўл қўйди.

Меҳнат коллективларининг бурчи тежамкорлик режимини ҳар томонлама кучайтиришдан, меҳнат унумдорлигини ошириб, ос маблағ сарфлаб, кўплаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашдан иборатдир.

1978 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ — ФЕВРАЛЬ ОЙЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ	Ленин районн	Фрунзе районн	Сергели районн
Маҳсулот реализация қилиш бўйича план. нинг бажарилиши (процентларда)	102,9	101,7	103,0
Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати (процентларда)	109,4	101,5	111,0
Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	101,5	102,7	102,8
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)	109,9	97,7	102,4
Меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда)	100,0	—	22,7
Планни бажармаган корхоналар:			
а) реализация бўйича бажармаган (минг сўм ҳисобида).	—	—	—
б) меҳнат унумдорлиги бўйича	2	4	5
Маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш (план. га нисбатан процентларда)	102,4	92,2	100,0
Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши (процентларда)	111,3	103,7	106,1
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (марказлашган молиявий манбалар) 1978 йилнинг январь ойи кўрсаткичлари (процентларда)	109,5	96,7	131,9
Турар жойни фойдаланишга топшириш планининг бажарилиши (процентларда) 1978 йилнинг январь ойида	—		—



Тошкент ёг-мой комбинати Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноатининг энг илғор корхоналаридан бири. Бу йил корхона коллективи савдо топшириқларига 52,2 миллион сўмлик маҳсулот етказиб беради.

СУРАТДА: автоклав цехининг илғор смена мастери Абдулла Сидиқназарович кўриб турибсиз.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.



Шаҳримиздаги абразив комбинатида кўпгина аёллар меҳнат қилишади. Улар ҳозир ишлаб чиқаришнинг олдинги сафларида турибгина мардона тер тўкишмоқда. Ушбу фотолавҳада ҳам комбинат техника назорат бўлимининг пешқадам назоратчилари Роза Исмоилова ва Кафия Ибодуллаеваларни кўриб турибсиз. Ҳар икки пешқадам ишчи тайёр маҳсулотларнинг сифатини текширишиб, пешма-пеш жўнатиб туришибди.

СУРАТДА: Роза Исмоилова ва Кафия Ибодуллаева намбатдаги маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

Жаҳон оинаси

Муддатидан илгари

БЕРЛИН. ГДРнинг энг катта саноат корхоналаридан бири «Лойна» химия комбинати йилнинг дастлабки икки ойи планини ишлаб чиқаришда аъло натижалар билан якунлади. Республика индустрияси гигант корхонасининг 30 минг кишилик коллективи план топшириқларини ошириб бажарди.

ГДР химия саноатининг тўнғич корхонаси ўтган йили Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ўтказилган социалистик мусобақа давомида ишлаб чиқаришда эришган юксак суръатларини пасайтирган эмас. Республика халқ хўжалиги планга қўшимча равишда синтетик тола тайёрлаш учун бирламчи маҳсулот ҳисобланган каролактам, машинасозлик саноати учун юксак сифатли пластмасса —мирамида, шунингдек сунъий смола ишлаб чиқариш учун хом ашё олди.

Янги ГЭС қурилмоқда

БУХАРЕСТ. «Темир дарвозалар—2» гидроэлектростанц и ярси қурувчилари биринчи баҳорни Дунай дарёси соҳилларида кутиб олмоқдалар. Экскаваторлар ва самосвваллар, пармалаш установкалари кечакундуз тинмай ишлаяпти.

Гидроэлектрос т а нцияни Дунай дарёсининг қуйи оқимидаги «темир дарвозалар-1» ГЭСидан 80 километр нарироқда Руминия ва Югославия мутахассислари биргаликда барпо этмоқдалар. ГЭС тўла ишга туширилганда 1984 йилдан бошлаб бу гидроэнергетика гигантини қураётган мамлакатларнинг ҳар бири ҳар йили 1,2 миллиард киловатт соат электр энергия олишлари мумкин.

САВДО ФЛОТИ

ГАВАНА. Дарёлар ва бепоён океанларда сузиб юрган Куба савдо кемалари озодлик ороли билан ўнлаб давлатлар ўртасида алоқа воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Бу кемалар Европа, Осиё, Африка ва Америкадаги турли мамлакатларнинг портларида тез-тез меҳмон бўлиб турибди. СССР, Англия, Дания, Югославия кемасозлик корхоналарида Куба учун қурилаётган кемалар ҳалқ хўжалиги эҳтиёжлари учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва машиналарни Куба портларига етказиб бермоқда. у ердан чет элларга қанд, никель, балиқ, мева ташимоқда.

Ҳозирги вақтда Куба кемалари умумий ҳажми жиҳатидан Латин Америкасида учинчи ўринни, савдо флотининг ўсиш суръатлари жиҳатидан биринчи ўринни эгаллаб турибди. Мамлакатда революция ғалаба қозонгунга қадар бори — йўғи 58 минг тонна ҳажмида 14 та эски ва кичик кемаларга эга эди. Энди ликда савдо флотининг ўзи жами 800 минг тонна ҳажмдаги кемаларга эга.

✦ БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

КАСБГА ИХЛОС

УМИДА мактабда ўқиб юрганида мураккаб машина ва механизмлар, тракторлар қандай тайёрланишига кўп қизиқарди. Шунинг учун ҳам мактаблари ёнида жойлашган «Узбексельмаш» заводига экскурсияга боришганида корхонанинг кенг цехларига, мураккаб машиналарни яратаётган, уларнинг ишчи қисмларини тайёрлашаётган ишчилар меҳнатига ҳавас билан тикилиб қолди. Уйига қайтганидан кейин ҳам заводга қайта-қайта боргиси, у ердаги иш жараёнлари билан чуқурроқ танишгиси келаверарди. Бу ҳавас уни кўп ўтмай яна заводга бошлаб келди. Аммо у бу гал экскурсияга эмас, шу ерда ишлаш учун келганди. Уни механика цехига пармаловчига шогирд қилиб ишга олишди. Шу-шу у аста-секин пармаловчи касбининг бутун сир-асрорини ўрганиб олди. У тайёрлаётган деталлар сифати устозини, ҳамкасбларини қувонтирарди. Кўп ўтмай мураббий ва устозларининг эътиборини ҳам қозонди. Умидага тез орада катта ишонч билдиришиб, пармалаш станогида мустақил ишлашга ўтказишди.

Мана, шундан бери орадан ўн етти йил ўтди. У фақатгина пармаловчи ишчи сифатида маҳорат ва малакасини оширибгина қолмади, бир нечта ўхшаш касбларни ҳам эгаллади. Хоҳ фрезерлик, хоҳ пармалаш ишлари бўлсин, ҳаммасини бажариб кетаверади. Бу эса иш вақтини тежаш, ҳар дақиқа вақтдан унумли фойдаланиш имконини бермоқда. Завод механика цехининг илғор пармаловчиси Умида Исаҳўжаева ана шунинг учун ҳам кўп йиллардан буён корхонада социалистик мусобақа пешқадами бўлиб келмоқда.

Умида опа заводда ўсиб, улғайди, чинакам бахтини топди, коммунистлар партияси сафига аъзо бўлди. Унинг ёнида ишлаб касб ўрганган, мураббийлик меҳридан камол топган Ҳалима Тагизода ва Галя Аянова каби пармаловчилар ҳам ўз устозидан ортда қолишмаяпти.

Умида опа меҳнат қилаётган цехда УПХ-1.5В маркали универсал типдаги кўрак чувиш машиналарининг ишчи қисмлари, деталлари тайёрланади, чигит экадиган сеялкаларнинг гайкалари, подшипникларига сўнгги ишлов берилади. Умида опа эндиликда бундай мураккаб иш жараёнларини пухта тушунади. Шунинг учун ҳам у тайёрлаётган, ишлов бераётган деталлар сифати ҳамма вақт яхши бўлмоқда. Кунлик иш нормаларини эса бир ярим бараварга етказиб адо этяпти.

Меҳнат инсонни улуғлайди, деб бежиз айтишмаган. Умида опа бир пайтлар пармаловчига шогирд сифатида иш бошлаган бўлса, бугунги кунда «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида унинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Бу социалистик мусобақа ғолиби фидокорона меҳнатлари эвазига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги» учун медали билан мукофотланган. У республикамиз Компартиясининг XIX съездига корхона коммунистлари номидан делегат бўлиб иштирок этди. Бирлашма ишчилари унга катта ишонч билдиришиб, Киров район Советига депутат қилиб сайлашди. Бу меҳнат илғори айни пайтда Киров район партия комитетининг ҳам аъзосидир.

Умида Исаҳўжаева меҳнатдан бахтини топган опахонларимиздандир. У корхонада ибратли меҳнат қилиб, доимо мусобақада пешқадамлик қилиш билан бирга фарзандлар тарбиясига ҳам вақт топа олади. У бешта жажжи фарзандларининг онасидир. Яқинда завод маъмурияти Умида опалар оиласига корхона ҳисобидан қурилган уйдан янги квартира беришди. Илғор ишчининг турмуш ўртоғи эса шу корхонада инженер.

Ҳа, бу ишчилар оиласи мисолида меҳнатдан бахт топган, ҳаётдан ўз ўрнини топа олган бахтли совет кишилари турмуш тарзини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам у илғорликни қўлдан бермаяпти. Беш йиллик топшириқни тўрт йилда бажаришга аҳд қилган илғор пармаловчи шу кунларда 1979 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. У ўз сменасида 660 та ўрнига мингдан ортиқ деталларни тайёр ҳолга келтиришга муваффақ бўляпти.

Корхона цехларидан республикамиз қишлоқ меҳнаткашларига турли хил пахтачилик машиналари, мураккаб механизмлар узлуксиз чиқиб турибди. Деҳқонлар оғирини енгил қиладиган бундай машиналарнинг дунёга келишида ўз касбини улуғлаётган Умида опа сингари минг-минглаб ишчиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Биз уларга ҳорманг, қўлингиз дард кўрмасин ишчи оналар дегимиз келади.

Д. ИКРОМОВА.

• *Эртага уй-жой, коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни*

ЭЛ ХИЗМАТИДА

КПСС XXV съездида меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада ошириш, аҳолини рангбаранг кенг истеъмол буюмлари ва маиший хизматга бўлган талабини тўлароқ қондириш уқдириб ўтилди. Шаҳримиздаги барча маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ўз ишларини ана шу вазифалар асосида ташкил қилиб кейинги йилларда яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Юбилей йилида пландаги 30530 минг сўм ўрнига 30758,1 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

Ҳамшаҳарларимиз з г а янада қулайлик туғдириш мақсадида ўтган йили янги, 34 та маиший хизмат объектлари ишга туширилди. Булардан энг йириги «Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйидаги бир йўла 200 кишига мўлжалланган зиёфат зали, «Марказ— 27» кварталида ишга тушган «Баҳор» модалар уйидир. Бундан ташқари «Шифокорлар шаҳарчаси»да 700 квадрат метрни ташкил қилган янги «Фоторекламa» комбинати фойдаланишга топширилди.

Ўниччи беш йилликнинг иккинчи йилида шаҳарда реализация қилинган хизмат ҳажми икки бараварга ўсди. Ана шу йилларда объектлар қурилиши, реконструкцияси ва уларни кенгайтириш борасида бир қанча ишлар қилинди. Бу биноларга 307 та янги технология ускуналари, машиналар ва асбоблар ўрнатилди. Булар ишлаб чиқариш фондини янада кўпайтириш имконини берди.

Маиший хизмат кўрсатиш тармогини шаҳар хўжалигининг замонавий техника билан жиҳозланган соҳага айлантиришда ёшларнинг улуши катта бўлмоқда.

Ҳозир маиший хизмат кўрсатиш бошқармамизга 19 та йирик корхона киради. Булардан энг йириги В. И. Ленин номли якка тартибда кийимлар тикиш ва ремонти ишлаб чиқариш бирлашмасидир. Ҳозир буюмлар ва маиший хизмат сифатини янада ошириш мақсадида корхоналарда пойафзаллар, трикотаж ва тикувчилик буюмларининг янги моделларини яратиш бўйича лабораториялар мувaффақият билан ишлаб турибди. Бунга мисол қилиб В. И. Ленин номли якка тартибда кийимлар тикиш ва ремонти ишлаб чиқариш бирлашмасининг марказий лабораториясини олса бўлади. Бугунги кунда барча тикувчилик ателъеси ва устахоналарда тикилаётган буюмлар технологик чизмалар билан таъминланмоқда.

Яқинда аҳолига янада яхши намунали хизмат кўрсатиш йўллари кўриб чиқилиб, шаҳримиздаги 68 та ателъенинг саккизтасида 1,5 сменада ишлаш ташкил қилинди. Энди ҳамшаҳарларимиз бу ателъелар хизматидан ҳар куни фойдаланишлари мумкин.

Ўтган йили план бўйича биз 220 та янги моделда кийим-кечакларни ҳамшаҳарларимизга тортиқ қилишимиз керак эди. Бу план ҳам ортиғи билан 362 та қилиб бажарилди.

